



ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ  
ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Мансуров Саидхўжа Камалович -  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,  
Менежмент кафедраси таянч докторанти*

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a43](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a43)

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизда пахта-тўқимачилик кластерларини шакллантиришдан асосий мақсад пахта-тўқимачилик кластерлари ривожланишида давлатнинг аҳамияти ва уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми, хориж тажрибаси ҳамда пахта тўқимачилик кластерларининг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** кластер, пахта-тўқимачилик кластери, рақобатбардош, экспорт, сифат, кластер тизими, қўшимча қиймат, меҳнат унумдорлиги, рағбатлантириш, хомашё, яримтайёр маҳсулот, тайёр маҳсулот.

ТЕКУЩИЙ АНАЛИЗ ХЛОПКО-ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ И  
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

*Мансуров Саидхўжа Камалович -  
Ташкентский государственный экономический  
университет, докторант “кафедры” менеджмента*

**Аннотация.** В данной статье представлена основная цель формирования хлопково-текстильных кластеров в стране, роль государства в развитии хлопко-текстильных кластеров и объем их производства, зарубежный опыт, а также предложения по увеличению экспортного потенциала хлопко-текстильных кластеров.

**Ключевые слова:** кластер, хлопко-текстильный кластер, конкурентоспособность, экспорт, качества, кластерная система, добавленная стоимость, производительность труда, льготы, сырье, полуфабрикаты, готовая продукция.

CURRENT ANALYSIS OF COTTON-TEXTILE CLUSTERS AND  
PROSPECTS FOR DEVELOPMENT

*Mansurov Saidkhodja Kamalovich -  
Tashkent State University of Economics, PHD*

**Abstract.** This article presents the main goal of the formation of cotton-textile clusters in the country, the role of the state in the development of cotton-textile clusters and the volume of their production, foreign experience as well as proposals to increase the export potential of cotton-textile clusters.

**Keywords:** cluster, cotton-textile cluster, competitiveness, export, quality, cluster system, value added, labor productivity, benefits, raw materials, semi-finished products, finished products.

**Кириш.** Бугунги кунда мамлакатимизда тўқимачилик саноатини янги босқичга олиб чиқиш, инновацион услубда пахта етиштиришнинг интеграциялашган усулларидан фойдаланишни ташкил этиш, республика ҳудудларининг кластер тизимига ўтишини янада кенгайтириш ва интеграцион боғлиқликлар орқали қўшимча қийматга эга бўлган сифатли тайёр маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналтириш, шу орқали аҳоли даромадлари ва бандлигини кескин ошириш, шу билан биргаликда, тизимга малакали ва ўз соҳасининг етук мутахассисларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш ҳамда уларни тўғри йўналтириш давлатимиз олдида турган стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифалардан ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда илқ бор 2017 йилда кенг нишонланган “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни”га бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “...Пахтани етишти-

ришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулига биз Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз”, – дея алоҳида таъкидлаган эди [1].

Дарҳақиқат, кластерларни шакллантиришдан асосий мақсад республика шаҳар ва туманларида жойлашган бир хил вакиллар – бирига яқин бўлган тадбиркорлик субъектларининг бирлаштирилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган хомашё маҳсулотларини қайта ишлаш ва ягона занжир орқали тайёр маҳсулотларгача бўлган жараёни босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга йўналтиришдан иборат.

“Кластер” атамаси инглизча сўздан олинган бўлиб, жамлаш, тўпланиш, бирлашиш маъноларини англатади. Пахта-тўқимачилик клас-

терида бир неча мустақил фаолиятга эга бўлган корхоналар чигит экишдан тортиб, ундан пахта хомашё ва сўнги босқич тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнда фаолият олиб боради. Мисол учун, пахта саноатида фермер хўжалиги, пахта заводи, тўқимачилик ва тикув корхоналари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиб келади. Булар жамоа бўлиб, ерни шудгор қилиш, чигит экиш, ғўза парваришlash, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш, хомашёдан қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларгача бўлган жараёнда иштирок этади.

Кластер тизимига ўтишдан мақсад юқори қўшилган қийматга эга бўлган сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, худудий инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли қатламини иш ўринлари билан таъминлаш ва кластер тизими корхоналари бир худудда ёнма-ён жойлашганлиги сабабли маҳсулот таннархини камайтириш орқали маҳсулот рентабеллигини ошириш, кластер ўқув марказларини ташкил этиш орқали ишчи ва мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек, якуний босқичга етиб келган тайёр маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналтириш ҳисобланади. Масалан, пахта хомашёсининг ўртача нархи 0,6-0,8 долларни ташкил қилса, уни қайта ишлаш босқичлари орқали ва қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар босқичма-босқич тайёр маҳсулотгача етиб келган жараёнда ифодалади ва ўртача нархи 15-20 долларни ташкил қилади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Кластер назарияси бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан илмий тадқиқотлар илгари сурилган. Маҳаллий олимларимиздан, А.Солиев ва З.Хакимовлар мақолаларида “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” келтирилган [2]. Наманган вилояти азалдан тикув ва чеварчилик соҳасида етакчи ҳисобланади. Ушбу вилоят тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва экспорт кўрсаткичлари бўйича республиканинг етакчи худудларидан ҳисобланади. Ушбу маҳаллий олимларимиз томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари бугунги кунда ўз самарасини бериб, ҳозирги кунда Наманган вилоятида жами 7 та пахта-тўқимачилик кластер корхоналари фаолият юритиб келмоқда [3].

А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сонг Бенинг “Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви” [4] деб номланган монографиясида кластерга назарий ва амалий ёндашувлар, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда кластер моҳияти, хомашёни қайта ишлашда ҳамда хорижий мамлакатлар, компаниялар ва маҳсулотлар кесимида

эришилган натижалар мисоллар орқали ёритиб берилган. Шунингдек, республикада ушбу хорижий тажрибалардан фойдаланиш бўйича бир қанча таклифлар келтирилган.

Америка олимлари М.Портер “Рақобат устунлиги назарияси” [5], М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар “Минтақавий кластерлар концепцияси” [6], А.Маршалл “Саноат худудлари назарияси” [7], П.Бекатин “Италян саноат огруглари назариялари”ни [8] илгари суришган. Юқоридаги хориж олимларининг назарияларида кластерлар ишлаб чиқариш рақобат устунлигини оширишда юқори самарали бўлиб, уларнинг худуддаги таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Кластер назарияси Россия олимлари Ю.С.Артомонова, Б.Б.Хурусталева [9] томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Юқоридаги назарияларнинг яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутди.

**Тадқиқот методологияси.** Изланиш жараёнида иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, хронологик кузатиш ва математик усуллардан фойдаланилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон олимлари ва хорижий олимларнинг ушбу мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.


**Таҳлил ва натижалар.** Пахта-тўқимачилик кластерлари ривожланишида давлатнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади, сабаби мамлакат иқтисодиёти кластерларнинг кучли жиҳатлари-га таянади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида пахта тозалаш корхоналари пахта тозалаш пунктларининг пахта-тўқимачилик кластерларига 2 йилдан ортиқ бўлмаган вақт давомида модернизация қилиш шarti билан сотилиши ва пахта тозалаш корхоналари, ишлаб турган ускуналари ҳамда бошқа асосий воситалари ижара асосида берилиши таъкидлаб ўтилган [10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ-14-сонли “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармойишида пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳукуматга таклиф-

лар киритиб бориш, пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил қилишда етиштириладиган ёки сотиб олинadиган пахта хомашёсининг ка-

мида 50 фоизини ўзида қайта ишлаш қуввати мавжуд бўлган талабгорга бошқаларга нисбатан устунлик бериш кўрсатиб ўтилган [11].



1-расм. Пахта-тўқимачилик кластерларининг ўзаро ҳамкорлик фаолияти

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат, пахта-тўқимачилик кластери жуда қисқа вақт ичида мамлакатимизда аграр ва саноат соҳаси уйғунлашган ҳолда ҳаракатлантурувчи етакчи куч – “драйвер”га айланди. Натижада, бугунги кунга келиб, ишни инновацион усулда ташкил этиш ва юритиш тобора омаллашиб борди ва натижада фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерлари сони 2018 йилда 15 тага етган бўлса, улар томонидан етиштирилган пахта хомашёси улуши 15,1 фоизни, 2019 йилга келиб, кластер ташаббускорларининг сони 74 тага етди ва уларнинг улуши 68 фоизни ташкил этди, 2020 йилда ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерлари сони 95 та-

ни ташкил этиб, уларнинг республикада етиштириладиган пахтадаги улуши 91 фоизни, 2021 йилда барча пахта экиладиган пахта майдонлари 100 фоиз тўлиқ пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластер ташкилотлари томонидан етиштирилишига эришилди ва бунинг оқибатида пахта-тўқимачилик кластерлари сони 122 тани ташкил этди. Буларнинг натижадорлиги сифатида тўқимачилик ва кластер корхоналари билан ҳисоблаганда, экспорт кўрсаткичи 2021 йилда 2 931,2 млн. долл. ни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан ўсиш суръати 156 фоизни ташкил этди [12].

1-жадвал

Пахта-тўқимачилик кластерларининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари

№	Йил	Кластерлар сони	Кластерлар томонидан етиштирилган пахта хомашёси улуши (%)	Республика пахта тўқимачилик кластери ва тўқимачилик саноатининг умумий экспорти минг. долл.
1.	2018	15	15,1	1302,3
2.	2019	74	68	1541,3
3.	2020	95	91	1868,4
4.	2021	122	100	2931,1

Манба: “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида инновация ва бошқарувда кластерлардан фойдаланиш бўйича тажрибалар тўпланган. Европа мамлакатлари ва АҚШда иқтисодий кластер усулида бошқариш кенг қўлланилиб келинмоқда. Масалан, Буюк Британия, Голландия, Германия, АҚШ, Дания, Франция, Италия, Финляндия

ва Ҳиндистон давлатлари кластер бошқариш бўйича салоҳиятга эга давлатлар ҳисобланади. Дания, Финляндия, Швеция саноатини кластерлар тўлиқ эгаллаган.

Италияда саноат кластерлари ҳиссасига иш билан банд аҳолининг 43 фоизи, миллий экспорт ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғи тўғри

келмоқда. Кластер тузилмалари Швейцария, Австрия, Италия, Дания, Ҳиндистон, Корея, Покистон, Хитой ва Туркия давлатлари энгил саноатида, Германияда кимё ва машинасозлик, Францияда озик-овқат ва косметика саноатларида муваффақиятли ишламоқда. Кластерларни шакллантириш жараёни Жанубий-шарқий Осиё, Хитой, Сингапур, Япония ва бошқа мамлакатларда фаоллашиб бормоқда [2].

Мисол учун, ўтган асрнинг 60-йилларида Хитой давлатида инқилобий пасайиш бўлган даврда мамлакат ҳокимиятига Ден Сяопин келгач, иқтисодий ислохотни қишлоқ хўжалигидан бошлаб берди. Давлат раҳбари ерни ҳақиқий эгалари қўлига топширди, деҳқонларга эркинлик берди, бюрократик тўсиқлар бекор қилиниб, аграр соҳага аралашувларга буткул чек қўйди. Ислохотлар натижасида 10-15 йил ичида 1,5 миллиардлик аҳолисини озик-овқат билан таъминлаб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дунёга экспорт қила бошлади. Шу тариқа Хитой қашшоқ мамлакатдан жаҳоннинг иқтисодий етакчисига айланди. Булар иқтисодий ривожланишнинг барчаси кластер тизимига ўтганлиги натижасидир [13].

2009 йилдан бери “Cotton Campaign” халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан байкот эълон қилинган эди. 13 йил давомида 331 та халқаро бренд ва ритейлер компаниялар, жумладан, Adidas, Zara, C&A, Gap Inc., H&M, Levi Strauss&Co., Tesco, Walmart, Burberry Group PLC, The Walt Disney ва бошқа компаниялар ўзбек пахтасига бойкот эълон қилган эди. Ушбу бойкот маъносига чуқурроқ ёндашилса, мамлакатимизда етиштирилган пахта хомашёси, яримтайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларнинг юқоридаги йирик брендлар томонидан сотиб олиниши таъқиқланган эди.

Ҳозир эса ушбу масала ҳал этилди ва яқин келажакда юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, жаҳон бозорига рақобатбардош тайёр маҳаллий маҳсулотлар кириб келиши сезиларли даражада кўпайиши ва экспорт шартномаларининг кўпайишига (маълумот учун: ҳозирги кунда экспорт салоҳияти 3,0 млрд. долларни ташкил қилса, яқин йиллар ичида ушбу кўрсаткич белгиланган режадан 3-4 баробар кўпайишига асос ҳисобланади), шунингдек, юқоридаги брендлар томонидан мамлакатимиз чекка ҳудудларига инвестиция киритилиши натижасида аҳоли қатламининг бандлик даражаси кўрсаткичларининг кескин ошишига олиб келади.

Аммо юқоридаги натижаларга эришишда жорий йилда юзага келган жаҳонда глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганлиги сабабли тўқимачилик саноат корхоналари томонидан маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш

қийинлашмоқда. Барчага маълумки, тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда Ўзбекистоннинг энг катта бозори, яъни улуши Россия Федерацияси ҳисобланади, лекин ҳозирги кунда Россияда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз, Европа ва АҚШ давлатлари томонидан иқтисодий санкцияларнинг ошиб бориши туфайли Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг таннархга сотилишига мажбур бўлмоқда, бу эса айланма маблағларнинг йўқлиги корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатиб туришга ва ишчиларнинг ишсиз қолиб кетишига сабаб бўлмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Ривожланган давлатларда ишлаб чиқаришнинг кластер усулида олиб борилиши мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Ўзбекистон Республикаси саноат иқтисодиётининг етакчи драйвери сифатида қаралаётган пахта-тўқимачилик кластерларининг вилоятлар кесимида ривожлантирилиши республикамизнинг чекка ҳудудларида агро тизимидан саноат тизимига босқичма-босқич ўтиши, фан, таълим ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши, аҳолининг доимий иш билан бандлиги таъминланиши ҳамда ҳудудларнинг обод бўлишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978-сонли “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [14] қарорига асосан намуна сифатида ташкил этилган мазкур кластер ўзида пахта етиштиришдан тортиб, тайёр маҳсулот ҳолига келгунича бўлган барча ишлаб чиқариш “занжирини” тўлиқ жамлаган. Ўз брендига эга бўлган ушбу кластернинг яқин келажакда тайёр маҳсулотларининг 80 фоизи экспортга йўналтирилиши режалаштирилган. Бундай кластерларнинг босқичма-босқич тўлиқ занжирга эга бўлиши мамлакат экспорт кўрсаткичлари ошишига олиб келади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ва корхоналарнинг маҳсулот рақобатбардошлиги ҳамда экспорт фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- Интернет сайтлар орқали хорижий фирма ва компанияларни топиш (хат йўллаш), маҳсулотларимизни реклама қилишда хорижий сайтларга жойлаштириш ҳамда энгил саноат соҳасида ҳамкорлик ўрнатиб, савдони йўлга қўйиш;

- экспортёрларнинг айрим харажатларини (кўргазмаларда иштирок этиш, сертификатлаш, транспорт, суғурталаш, айланма маблағларини тўлдириб бориш ва ҳ.к.) давлат субсидиялари ҳисобидан қисман қоплаш;

- кадрлар салоҳиятини тўғри ташкил қилиш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида илмий даргоҳга эга бўлган Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ва кластерлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланиши асосида фан, таълим ва ишлаб чиқариш боғлиқлигини вужудга келтириш;

- худудларда тўқимачилик иқтисодий зоналарини ташкил этиш орқали солиқ имтиёзлари берилишини таъминлаш ҳамда мато ишлаб чиқариш ва фурнитура аксессуар ишлаб чиқариш

риш корхоналарининг бир-бирига яқин масофада фаолият олиб бориши. Бунинг натижасида маҳсулот таннархи пасайиши ва маҳсулотнинг рентабеллик кўрсаткичлари оширилишига имкон яратилади;

- Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва бу орқали аъзо мамлакатлар билан тенг манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиши тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда божхона божларидан озод бўлишини таъминлайди.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 декабрь куни Қишлоқ хўжалиги ходимлари анжуманига бағишланган тантанали йиғилишидаги нутқи.
2. Солиев А. ва Хакимов З. Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари. // "Бизнес-эксперт" журнали. 2014 йил, 1-сон, 52-57-бет.
3. Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси маълумотлари.
4. Бекмуродов А.Ш. ва Янг Сонг Бе. Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви. Монография. 2006 йил. – 112 бет.
5. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Международные отношения, 1993. С. 51.
6. Enright M. (1996) "Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda", in Staber U., Schaefer N. and Sharma B (Eds). "Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin". Walter de Gruyter, p. 190-213.
7. Маршалл А. Принципы экономической науки, I-III. Пер. с англ. – М.: Издательская группа "Прогресс", 1993.
8. Бегаттин П., Becattini G. From Marshalls to the Italian "Industrial Districts". / [www.copetivness.org](http://www.copetivness.org)
9. Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобрразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительство Пензенской области. Пенза-2013.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 253-сонли "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 ноябрдаги ПФ-14-сонли "Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" фармойиши.
12. Вахобов Д. Ўзимизнинг пахтадан тўқимачилик саноатигача. [www.yuz.uz](http://www.yuz.uz)
13. Раҳматов М. Пахта сийёсати ва монокультураси. [www.xs.uz](http://www.xs.uz)
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2978-сонли "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.



**СANOAT КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Миркомилев Миразиз Нодирович -**  
 таянч докторант,  
 И.Каримов номидаги ТДТУ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a44](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a44)

**Аннотация.** Ушбу мақолада ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштиришнинг ўрни ва аҳамияти, саноат ресурсларидан фойдаланишни оқилона ташкил этиш йўллари, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги аҳамияти қўриб чиқилади. Муайян чора-тадбирлар мажмуасини яратиш орқали ушбу масалаларни ҳал қилишнинг асосий жиҳатлари таклиф этилади.

**Калит сўзлар:** ишлаб чиқариш ресурслари, корхоналар қуввати, иқтисодий салоҳият, моддий ишлаб чиқариш, ишчи кучи, самарадорлик, такомиллаштириш.

**ОСНОВНЫЕ АСПЕКТЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ПОТЕНЦИАЛА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

**Миркомилев Миразиз Нодирович -**  
 Базовая докторантура, ТГТУ

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены роль и значение улучшение использования производственных ресурсов, пути улучшения, рационализации использования промышленных ресурсов, а также его значения для повышения эффективности производства. Предлагается основные аспекты решения данных проблем путем создания комплекса определенных мероприятий.

**Ключевые слова:** производственные ресурсы, мощность предприятий, экономический потенциал, материальное производство, рабочая сила, эффективность, совершенствование.